

КОСМОСДА ЯНА БИР ЖАСОРАТ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИЛ ЧИҚИШИ.

№ 113 (4319).

8

И Ю Н Ъ

СЕШАНБА

1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ТАСС АХБОРОТИ

„СОЮЗ-11“ КОСМИК КЕМАСИ ЕР АТРОФИ ОРБИТАСИДА

Ер атрофидаги космик фазони тадқиқ қилиш программасига мувофиқ 1971 йил 6 июнь Москва вақти билан соат 7.55 минутда Совет Иттифоқида «Союз-11» космик кемаси учирувчи ракета ёрдамида парвоз қилди. Соат 8.04 минутда «Союз-11» кемаси Ер йўдошининг ҳисоблаб қўйилган орбитасига чиқиб қўйилди.

Космик кемани кема командири подполковник Георгий Тимофеевич ДОБРОВОЛЬСКИЙ, бортинженер, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси Владислав Николаевич ВОЛКОВ ва синовчи инженер Виктор Иванович ПАЦАЕВДАН иборат экипаж учириб бормоқда.

«Союз-11» кемасини учиршдан мақсад «Салют» орбитал илмий станцияси билан бирга учиб илмий-техникавий комплекс тадқиқотлар ўтказишни давом эттиришдир.

«Союз-11» кемасининг экипажи билан доимий радио ва телевизион алоқа қилиниб турибди.

Космонавтлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. «Союз-11» кемасига ўрнатилган системалар нормал ишлаб турибди, кеманинг космонавтлар ишлайдиган хоналарида белгилаб қўйилган шароит сақланмоқда.

Космонавтлар Г. Т. Добровольский, В. Н. Волков, В. И. Пацаев ўроқлар учининг мўлжаллаб қўйилган программасини бажаришга киришдилар.

Учинин бошқариш маркази, 6 июнь. (ТАСС). «Союз-11» космик кемаси соат 16 га қадар Ер атрофини олти марта айланиб чиқди. Космонавтлар Г. Т. Добровольский, В. Н. Вол-

ков, В. И. Пацаев учининг мўлжаллаб қўйилган программасини бажаришда давом эттирмоқдалар. Шу давр ичида космик кема билан доимий радио алоқа қилиб турилди, вақти-вақти билан телевизион кўрсатувлар ташкил этилди.

Телеметрия маълумотларига ва космонавтларнинг айтган гапларига қараганда, кемага ўрнатилган системаларнинг ҳаммаси нормал ишлаб турибди. Экипаж бўлмасида ва орбитал бўлмада ҳарорат ва босим белгилаб қўйилган даражада сақланиб турибди ва бу бўлимларнинг ҳарорати цельсий билан 22 градус, босими симоб устунининг 770 миллиметрга тенг. Космонавтлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Учин программасига мувофиқ соат 13.50 минутда қўл билан бошқариладиган ориентир солинди «Союз-11» космик кемасининг орбитаси тўғрисида қўйилди. Трасектория ўзгачарлигини маълумотларига кўра, кема орбитаси тўғрисида қўйилган-дан кейин орбита параметрлари қўйилганча бўлди:

— Ер юзасидан энг кўп узоқлашуви (апогейда) 217 километр.

— Ер юзасидан энг кам узоқлашуви (перигейда) — 185 километр.

— Ер атрофини айланиб ўтиш даври — 88.3 минут.

— Орбитанинг оғиши 51,6 градус.

«Союз-11» космик кемаси 6 июнь соат 15.40 минутдан 7 июнь соат 1.30 минутгача Совет Иттифоқи территориясидан радио орқали алоқа қилиб бўлмайдиган зонада учини давом эттиради. Шу вақт ичида космонавтлар дам олишади.

ЭКИПАЖ „САЛЮТ“ ИЛМИЙ СТАНЦИЯСИ БОРТИГА ЕТИБ КЕЛДИ

КОСМОСДА БОШҚАРИЛАЁТГАН СОВЕТ ОРБИТАЛ ИЛМИЙ СТАНЦИЯСИ ИШЛАБ ТУРИВДИ

Узоқ муддатли орбитал станцияларни вужудга келтириш программасига мувофиқ, Совет Иттифоқида 1971 йил 7 июндан бошлаб орбитал илмий «Салют» станцияси бошқариладиган биринчи орбитал илмий станция сифатида ўз ишини бошлаб юборди.

Илмий «Салют» станцияси 1971 йил 19 апрелда орбитага чиқарилган эди. Москва вақти билан соат 10 дан 45 минут ўганида «Союз-11» транспорт космик кемаси илмий «Салют» станцияси билан муваффақиятли туташтирилгандан кейин «Союз-11» кемасининг экипажи илмий станция билан боғланиб ўтди.

Транспорт кемасида экипажни ер йўдоши — илмий станция бортига олиб чиқиш инженерлик-техника вазифаси биринчи марта ҳал этилди.

Космик аппаратларни туташтириш жараёни икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда «Союз-11» кемаси 100 метргача бўлган масофада бошқаришнинг автомат режимида «Салют» станцияси билан яқинлашди. Шундан кейинги яқинлашишни кема экипажи амалга оширди.

«Союз-11» кемаси «Салют» станциясига етиб борганидан кейин аппаратлар механик усулда қаттиқ туташтирилди ва улар электрик ҳамда гидравлик коммуникациялар билан бириктирилди.

Шундан кейин космонавтлар туташтиришнинг герметиклигини ва станция ичидаги системаларнинг ишини, туташтирилган аппаратлар бўлмаларидаги микроклимат параметрларини текшириб кўрдилар, уларни бириктириб турган тўйуқнинг қопқоғини очдилар ва илмий станция бўлмасига кирдилар.

Телеметрия маълумотларига ва космонавтларнинг берган ахборотига қараганда, «Салют» станцияси автомат режимида узоқ вақт давом этган парвоздан кейин ундаги борт системалар, агрегатлар ва илмий аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Орбитал «Салют» станциясининг парвози вақтида экипаж илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказди.

«Салют» станциясининг командири ўроқ Георгий Тимофеевич Добровольский космонавтлар ўзларини яхши ҳис этаётганликларини ва парвознинг планлаштирилган программасини бажаришга киришганликларини хабар қилди.

Шундай қилиб, Ер атрофидаги фазода биринчи марта бошқарилаётган орбитал «Салют» илмий станцияси вужудга келтирилди ва ишлаб бошладди.

ЎЗБЕКИСТОН ПИЛЛАЧИЛАРИ- НИНГ МЕХНАТ ЗАФАРИ

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бо-риб, янги беш йиллик биринчи йилни катта меҳнат муваффақиятлари билан ниспонамоқдалар. Ўзбекистон пиллачилари шу йил баҳордаги ноқулай шароитларни енгиб, илақ кўрти боқилининг прогрессив усулларини жорий қилиб, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан пилладан мўл ҳосил етиштирилди ва давлат планини муваффақиятли бажардилар.

Давлатга 19.612 тонна пилла сотилди. Топширилган пилланинг асосий қисми биринчи сортларга қабул қилинди. Бу йил давлатга сотилган пилла бутун 1970 йил мобайнида тайёрланганидан 1134 тонна кўп бўлди. Хар қуту кўрт уруғидан ўтган йилги 58 килограмм ўрнига 60 килограммдан қимматли қомаше олинди.

Тошкент ва Бухоро пиллачилари пилла тайёрлаш планини республикада биринчи бўлиб бажардилар. Фарғона, Андижон, Наманган, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё областларининг хўжаликлари давлатга пилла сотиш планларини муваффақиятли урдалаб, планга қўшимча пилла топширишмоқдалар. Хоразм, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари пилла тайёрлаш планини бажариш арасидада турибдилар.

Давлатга 4500 тонна пилла сотган Фарғона, 3100 тонна пилла сотган Андижон областларининг хўжаликлари давлат планининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Бухоро области пиллачилари давлатга пилдан ташқари 310 тонна, Тошкент области пиллачилари эса 140 тонна, Қашқадарё пиллачилари 80 тонна ва Сирдарё пиллачилари 35 тонна қимматли хом ашё сотдилар.

Изобоскан, Марҳамат, Балиқчи, Ленин, Москва, Бўз, Олтириш, Бағдод, Ўйчи, Уққўрғон, Бухоро, Ёлқутов, Қорақўл, Ворошилов, Улустон, Наманган, Свердлов, Шаҳрисабз, Яқкабоб, Богот, Хива, Янгиариш, Беруний, Юқори Чирчик, Пискент, Ўрта Чирчик, Каттақўрғон, Самарқанд, Жарқўрғон, Сарыосиё районларининг пиллачилари хар қуту кўрт уруғидан 62—70 килограммдан пилла олиб, юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Республиканинг илгор хўжаликлари бундан ҳам юқори натижаларга эришдилар. Оққўрғон районидagi Охунбобоев номидаги колхоз хар қуту кўрт уруғидан 84,6 килограммдан, Хива районидagi Фрунзе номидаги колхоз 83 килограммдан, Хўжабод районидagi «Ленинград» колхоз 80 килограммдан, Ленин районидagi «Ленинград» колхоз 78,9 килограммдан, Андижон районидagi Жданов номидаги колхоз 77,4 килограммдан, Изобоскан районидagi Калинин номидаги колхоз 77 килограммдан, Ўзгач районидagi Ленин номидаги колхоз 76 килограммдан, Каттақўрғон районидagi «Правда» колхоз 75 килограммдан, Киров районидagi «Октябрь» 40 йиллиги колхоз 72,2 килограммдан, Қува районидagi Димитров номидаги колхоз 72 килограммдан, Ол-



Г. Т. ДОБРОВОЛЬСКИЙ.



В. Н. ВОЛКОВ



В. И. ПАЦАЕВ.

Кема командири
подполковник
Георгий Тимофеевич
Добровольский

Подполковник Георгий Тимофеевич ДОБРОВОЛЬСКИЙ 1928 йил 1 июнда Одессада туғилган.

1946 йилда ҳарбий ҳаво кучларининг Одессадаги махсус мактабини тамомлаб, Чугуевскидаги учувчилар ҳарбий авиация билим юртига қабул қилинди ва ун 1950 йилда тамомлади.

Кейин у Совет Армияси ҳарбий ҳаво кучларининг турли қисмларида қирувчи учувчи бўлиб хизмат қилди. 1954 йилда Георгий Тимофеевич Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига кирди. 1961 йилда Қизил Байроқ орденли ҳарбий ҳаво академиясини учувчилар ишдан ажралмаган ҳолда ўқиб битириб чиқди.

Г. Т. Добровольский космонавтлар отрядига кириб, космик кемада учини таъйёрларли курсини муваффақиятли тугаллади, кемани бошқариш ва илмий экспериментларни бажариш ишида қатъий малака ҳосил қилди.

Г. Т. Добровольскийнинг хотини Людмила Тимофеевна Ленинград университетини битирган, математика ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Уларнинг икки қизи бор. Мария 1959 йилда, Наташа 1967 йилда туғилган.

Космонавтининг ота-онаси, — отаси Тимофей Трофимович ва онаси Мария Алексеевна — пенсионерлардир. (ТАСС).

Бортинженер
Владислав Николаевич
Волков

Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР нинг космонавт учувчиси Владислав Николаевич ВОЛКОВ 1969 йилнинг октябрида «Союз-7» кемасида борт-инженер бўлиб космосга биринчи марта ўтди.

Владислав Николаевич 1935 йил 23 ноябрда Москвада туғилди. Ўрта мактабни тамомлагандан кейин Москва авиация институтига кириб ўқиб, ун 1959 йилда битирди ва конструкторлик бюросига ишга юборилди. Инженер бўлиб ишлаб туриб, ишлаб чиқаришдаи ажралмай аэроқўлб ўқинини тамомлади, 1965 йилда Владислав Николаевич Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига кирди.

Назарий таъйёрларли яхши бўлганлиги ва конструкторлик бюросида ишлаганлиги унинг космик кемани амалий бошқариш малакасини эгаллаб олдишига имкон берди.

В. Н. Волковнинг хотини Людмила Александровна Москва озиқ-овқат институтини битирган, инженер бўлиб ишлайди. Ўғли Владимир 1958 йилда туғилган.

Владислав Николаевичнинг отаси Николай Григорьевич-авиация инженери, онаси Ольга Михайловна эса рус-тор иши билан банд. (ТАСС).

Синовчи инженер
Виктор Иванович
Пацаев

Виктор Иванович Пацаев 1933 йил 19 июнда Қозғиғистон ССРнинг Актобьинск шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни тамомлагандан кейин Пенза индустриал институтига ўқишга кириб ун 1955 йилда битириб чиқди.

Виктор Иванович космонавтлар отрядига кирмасдан олдин конструкторлик бюросида инженер бўлиб ишлади. 1968 йилда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига кирди.

Виктор Иванович космонавтлар отрядига кирмасдан олдин таъйёрларли курсини муваффақиятли ўтди, самолётларни учирлиш техникасини эгаллаб олди, парашютлар билан, бир неча марта сарраш маъқларини ўтказди.

Виктор Ивановичнинг хотини Вера Александровна илмий ходим бўлиб ишлайди. Ўғли Дмитрий 1957 йилда, қизи Светлана 1962 йилда туғилган.

Космонавтининг отаси Иван Пантелевич 1941 йилда фронтда ҳалок бўлган, онаси Мария Сергеевна — пенсионер. (ТАСС).

И. В. КАПИТОНОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитетининг секретари ўроқ И. В. Капитонов 4—6 июнда Ўзбекистонда бўлди. У Бухоро, Андижон ва Фарғона областларини, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Марғилон шаҳарларини бориб кўрди.

И. В. Капитонов бир қанча саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозлардаги бошланғич партия ташкилотларида ташкилий ва сиёсий иш қандай уюш-

тирилганлиги билан танишди. КПСС Марказий Комитети Сий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўроқ Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўроқ В. Г. Ломоносов, областларнинг раҳбар ходимлари ўроқ И. В. Капитонов билан бирга бўлишди. (ЎзТАГ).

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ МАТБҲОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

7 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида журналистларнинг матбӯот конференцияси ўтказилди. Матбӯот конференциясида Ўзбекистон Журналистлар Союзи пленумининг қатнашчилари, матбӯот, телевидение, радио, республика ахборот агентлигининг ходимлари, наприётларнинг директорлари ва бош редакторлари ҳозир бўлишди.

КПСС Марказий Комитети Сий Бюроси аъзолигига кандидат

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов матбӯот конференцияси қатнашчиларини республика партия ташкилотининг КПСС XXIV съезди қарорлари ва директиваларини бажариш соҳасида ишлари билан таништирди, оммавий ахборот воситалари ходимларининг вазифалари тўғрисида батафсил гапирди. (ЎзТАГ).

М. З. МИРЗААХМЕДОВНИНГ ХОТИРАСИНИ
АВАДИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг собиқ ўринбосари Мансур Зиёевич Мирзаахмедовнинг республикада социалистик қурилишдаги катта хизматларини эътиборга олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет ва жамоат ташкилотларининг Тошкент шаҳридаги 4-ўрта ҳунар-техника билим юрти, Андижон область Бўз райо-

нидаги «Мингбулок» совхозини, Тошкент шаҳрининг шимолӣ районида қурилатган кўчани Мансур Зиёевич Мирзаахмедов номига қўйиш тўғрисидаги тақдирларини қабул қилдилар.

Тошкент шаҳар иқролия комитети ва Ўзбекистон ССР Маданият министрлигига марҳумнинг қабри устига унинг бустини ўрнатиш тақдир этилди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ
ОРБИТАЛ «САЛЮТ» СТАНЦИЯСИ ЭКИПАЖИ
КОСМОНАВТЛАРДАН ГЕОРГИЙ ТИМОФЕЕВИЧ
ДОБРОВОЛЬСКИЙ, ВЛАДИСЛАВ НИКОЛАЕВИЧ
ВОЛКОВ ВА ВИКТОР ИВАНОВИЧ ПАЦАЕВ
ЎРОҚЛАРГА

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

Азиз ўроқлар!
Ватаниннг космик фазонинг тадқиқ этиш ва ўзлаштириш юзасидан янги тошйиринини бажармоқ учун совет илмий космик «Салют» станциясига муваффақиятли етиб борганлигингиз билан сизларни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан самимий табриқлаймиз.

Сизлар совет халқи КПСС XXIV съезди белгилла берган буюк планларни амалга оши-

риш соҳасида зўр ғайрат билан меҳнат қилаётган ақоини бир пайтда парвоз қилмоқдасиз.

Сизлар ана шу масъулиятли ва мураккаб топшириқни шараф билан бажара олганингизга ишончимиз комил. Бу топшириқнинг бажарилиши совет халқи ва бутун инсоният бахт-саодати йўлида космик фазонинг ўзлаштириш планларини амалга оширишга катта ҳисса бўлиб қўйиллади.

Жонажон юртимизга эсон-омон қайтиб келишингизни тибуюк планларни амалга оши-

Л. БРЕЖНЕВ. Н. ПОДГОРНИЙ. А. КОСИГН.

ЭКИПАЖ АЪЗОЛАРИНИНГ ПАРТИЯ ВА
ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ ТАБРИГИГА ЖАВОБИ

Самимий табриклар ва ғам-хўрликлар учун КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советидан гоят мин-

натдоримиз. Ватан топшириғи бажарилади.
Космонавтлар: ДОБРО-
ВОЛЬСКИЙ, ВОЛКОВ,
ПАЦАЕВ.

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ БИРЛИГИ

К. Ф. Катушев Воронеж областига бўлган вақтида, КПСС область комитетининг бюро аъзолари билан учрашди, шаҳардаги механика заводида, Нововоленский атом электр станциясига бориб кўрди. Лискин районда у Георги-Деж локомотив депосининг, «Лискинский» совхозининг, «Россия» колхозининг иши билан танишиб чиқди. Киров номидаги колхознинг паррандачинлик фабрикасига бориб

— Хуш, маъқули? | лпти. Биринчи квартал плани | Я. Салимов фотоси. | № А—1765. | Р. 04252. | ИНДЕКС — 64697.